

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМЗАЕВ СОБИР АМИРОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ИККИЛАМЧИ
ПРЕДИКАЦИЯЛИ ҚУРИЛМАЛарНИНГ СИНТАКТИК,
СЕМАНТИК ВА КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

УДК: 811.111'36'37
811.512.133'36'37

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Хамзаев Собир Амирович

Инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиламчи предикацияли курилмаларнинг синтактик, семантик ва когнитив хусусиятлари	3
---	---

Khamzaev Sobir Amirovich

Syntactic, semantic and cognitive features of secondary predicative constructions of the English and Uzbek languages	23
---	----

Хамзаев Собир Амирович

Синтаксические, семантические и когнитивные особенности конструкций с вторичной предикацией в английском и узбекском языках	39
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works	44
--	----

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМЗАЕВ СОБИР АМИРОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ИККИЛАМЧИ
ПРЕДИКАЦИЯЛИ ҚУРИЛМАЛарНИНГ СИНТАКТИК,
СЕМАНТИК ВА КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil.280 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифаси www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулдашев Ақром Махмудович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Сиддиқова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Мирсанов Ғайбулла Қулмурадович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент
Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-й. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-й. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» куни тарқатилди.

(2018 йил «___» даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кун жаҳон тилшунослигига етакчи парадигма сифатида когнитив тилшунослик, лингвокультурология ҳамда тил бирликлари таҳлилига антропоцентрик ёндашувнинг тан олиниши, тил ва нутқ бирликларини илмий тадқиқ қилишнинг янги усул, шаклларининг яратилиши тилшуносликка кўплаб янги тушунча, терминология ҳамда лингвистик таҳлил усулларини олиб кирди. Когнитив тилшунослик соҳасида қўлланилаётган концептуализация, концепт, когнитив категория каби терминлар шу турдаги терминология сирасига киради.

Дунё тилшунослигига тил грамматик қурилишининг онг фаолияти билан боғлиқлигига бағишлиланган тадқиқотлар майдонга чиқмоқда. Бунда мулоқотнинг асосий бирлиги бўлган гап ҳосил бўлишида қандай омиллар асосий ўрин тутиши аҳамиятлидир. Шу аснода ҳозирда жаҳон тилшунослигига турли тизимли тилларда иккиламчи предикацияли курилмаларнинг семантик, функционал жиҳатлари, бундай турдаги курилмаларнинг нутқдаги ўрни, когнитив категориялар ифодаланишидаги ўрни сингари устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбек тилшунослигига когнитив тилшунослик доирасидаги тадқиқотлар асосан концептуализация соҳасида амалга оширилган бўлиб, категоризация масаласида олиб борилган монографик тадқиқотлар нисбатан камчилликни ташкил қиласи. Шунингдек, гапнинг асосий белги ва хусусиятларидан бўлмиш предикативлик гарчи бирмунча ўрганилган масалалардан бўлса-да, мазкур муаммо когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ҳали етарлича ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасида кенг кўламда илмий изланишлар олиб бориш, шу соҳага оид ўқув-методик кўлланмалар яратиш ишларини янги босқичга олиб чиқди. Бу борада гапнинг энг асосий хусусияти бўлмиш предикативлик ва предикация масалаларини турли тизимли тиллар мисолида ўрганиш ва уларни когнитив грамматика нуқтаи назаридан тадқиқ этиш янада долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармони, 2017 йилнинг 20 апрелидаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 8 августидаги «Таълим муассасаларида чет тилини ўқитиши янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал. – № 28.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Предикативлик, предикация ва иккиламчи предикация муаммолари кўплаб олимларнинг тадқиқотларида муҳокама қилинган. Жумладан, инглиз тилидаги предикациянинг синтактик шакллари, иккиламчи предикатнинг ифодаланиши ва турлари, айрим Европа тилларидағи иккиламчи предикацияли қурилмалар масалалари С.Ротштейн, М.Иrimия ва Б.Реубэнэларнинг тадқиқотларида ўрганилган². Шунингдек, инглиз тилидаги инфинитив ва унинг иккиламчи предикацияни ифодалашдаги роли, герундийли қурилмаларнинг предикативликни ифодалашдаги ўрни, герундийли гапларнинг ривожланиш жараёни, иккиламчи предикацияли қурилмаларни гапларнинг актуал бўлиниши назарияси жиҳатидан таҳлил қилиш масалалари, иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг макроқеаларни ифодалашдаги роли масалалари Е.А. Гудкова, В.Л. Касла, Е.Н. Шерстова, А.Ю. Фомина, Н.Н. Беклемешевалар томонидан тадқиқ қилинган³.

Предикативлик категориясининг айрим Хинд-Европа ва туркий тиллардаги хусусиятлари, ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия, ўзбек тилидаги иккиламчи предикат ва унинг хусусиятлари, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги мураккаблашган содда гапларнинг услубияти, турли тизимли тиллардаги қўшма гаплар типологияси, ўзбек тилидаги содда гап таркибидаги сифатдошли қурилмаларнинг семантик-синтактик хусусиятлари масалалари А.Содиков, Н.Махмудов, М.Маматов, Ҳ.Холиков, Ф.Хошимов, Ш.Шорасулова томонидан тадқиқ қилинган⁴. Қайд этилган манбалар предикативлик,

² Rothstein S.D. The Syntactic Forms of Predication. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – Massachusetts: Massachusetts Institute of Technology, 1983. – 205 p; Irimia M.A. Secondary Predicates. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – Toronto: Department of Linguistics, University of Toronto, 2012. – 276 p; Benita Riaubienè. Resultative Secondary Predication in European Languages. Doctoral Dissertation Humanities, Philology. – Vilnius: Vilnius University Press, 2015. – 184 p.

³ Гудкова Е.А. Прилагольный инфинитив в современном английском языке: Дисс.... канд. филол. наук. – Л., 1984. – 140 с; Касла В.Л. Сочетание герундия с предлогом в современном английском языке: Дисс.... канд. филол. наук. – М., 2003. – 146 с; Шерстова Е.Н. Развитие словосочетаний с герундием в английском языке: Дисс... канд. филол. наук. – Л., 2004. – 160 с; Фомина А.Ю. Конструкции с вторичной предикацией как средство презентации макрособытия. Дисс... канд. филол. наук. – Тамбов, 2007. – 135 с; Беклемешева Н.Н. Интерпретация вторично-предикативных структур в перспективе актуального членения. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2011. – 28 с.

⁴ Садыков А. К вопросу о типологии выражения предикативности (на материале некоторых индоевропейских и тюркских языков): Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – М., 1969. – 24 с; Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т., 1984. – 38 с; Маматов М. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т., 1990. – 41 с; Холиков Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти. Филол. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 1993. – 22 б; Хошимов Г.М. Типология сложного предложения в разносистемных языках: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Т., 2002. – 47 с; Шорасулова Ш. Содда гап таркибидаги сифатдошли қурилмаларнинг семантик-синтактик тадқики. Филол. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 2006. – 23 б.

жумладан, иккиламчи предикацияли қурилмаларга оид назария ҳамда мазкур қурилмаларнинг хусусиятларини ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бизнинг тадқиқот юқоридаги ишлардан куйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласди. Биринчидан, иккиламчи предикацияли қурилма (кейинги ўринларда ИПҚ)ларнинг когнитив жиҳатлари маҳсус монографик планда тадқиқ этилмаган. Йккинчидан, иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг синтактик ҳамда семантик хусусиятлари турли тизимли тиллар бўлмиш инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштирма планда тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ИТД-4, 4-148 «Хорижий филология магистрлари учун назарий ва амалий асосий чет (инглиз, француз, немис ва испан) тили бўйича яратилган ўқув-услубий қўлланмаларни такомиллаштириш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг синтактик, семантик ва когнитив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚлар ясалиш жиҳатидан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚлар когнитив хусусиятларини «event» – «воқеа» категорияси ёрдамида очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларни ясашда иштирок этувчи феълларни семантик хусусиятларига қўра таснифлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларнинг синтактик хусусиятларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни асослаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларнинг нутқдаги вазифаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг обьектини инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиламчи предикацияли қурилмалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети – инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларнинг синтактик, семантик ва когнитив хусусиятларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда семантик, компонент, концептуал, чоғиштирма, трансформацион ва лингвостатистик методлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиламчи предикацияли қурилмалар таркибининг от ёки олмош ва феълнинг шахсиз шаклларидан иборат эканлиги жиҳатидан ўхшашлиги ҳамда инглиз тилида иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг муайян модели мавжудлиги, ўзбек тилида эса бундай моделларнинг йўқлиги жиҳатидан фарқли эканлиги асосланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг лисоний тежамкорлик тамойилига биноан пайдо бўлиши, инсон

томонидан борлиқ ҳақида олинган ахборотни концептуал ахборотга айлантирилиши каби когнитив хусусиятлари «воқеа» категорияси ёрдамида очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида сезги феъллари, каузатив феъллар ва ақлий фаолият феъллари иккиламчи предикацияли қурилмаларни ясашда фаол иштирок этиши асослаб берилган;

чоғиштирилаётган тиллардаги иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг предикативликни ифодалаш нуқтаи назаридан гаплардан функционал, семантик ва структурал фарқлари далиллаб берилган;

инглиз тилидаги сифат ва отдан ташкил топган иккиламчи предикацияли қурилмалар ўзбек тилидаги феъл шакллари иштирок этмаган қурилмалардан тузилиши жиҳатидан фарқланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида қайси турдаги феъллар ИПҚларни ясашда фаол иштирок этиши белгилаб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларнинг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда бундай қурилмалар гап қурилишини англашда муҳим амалий қийматга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАҚ рўйхатидаги маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хуносалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар, олий таълим муассасалари ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик, ўкув қўлланмалари ёзишда илмий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижалари тилшуносликни инглиз ва ўзбек тилларидаги ИПҚларнинг тил тизимидағи мавқеи, когнитив хусусиятлари ҳақида илмий-назарий билимлар билан бойитади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва таржимонлар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи билан, шунингдек, тадқиқот натижаларидан тилшуносликнинг чоғиштирма тилшунослик, когнитив грамматика каби маҳсус курслари бўйича маъруза матнларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли тизимли тилларда иккиламчи предикацияли қурилмаларнинг ифодаланиши ва синтактик, семантик ва когнитив хусусиятлари ва нутқдаги вазифаларини тадқиқ қилиш жараённада ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ўзбек тилидаги иккиламчи предикацияли қурилмаларни ясашда феълнинг нотўлиқ шакллари (сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи)нинг

ўрнини аниқлаш тадқиқи жараёнида ишлаб чиқилган, илмий асосланган, такомиллаштирилган усуллари ва лексика тараққиётидаги ўрни ҳақидаги маълумотлардан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йилнинг 18 декабридаги ФТА-02.11/1318-сон маълумотномаси). Диссертациянинг илмий натижалари тегишли луғавий бирликларнинг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

диссертациядаги иккиласми предикацияли қурилмаларнинг гаплардан фарқлари, инглиз тилидаги таркибида феъл бўлмаган иккиласми предикацияли қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий хуносалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган инглиз тилидан ўқув дастурлари лойиҳасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2017 йилнинг 27 ноябрiddagi 01/11-02/7-1714-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг инглиз тилидаги синтактик қурилмалар ва гапларнинг тузилиши ҳақидаги билимларини бойитиш орқали уларнинг грамматик компетенциясини шакллантиришга хизмат қилган;

иккиласми предикацияли қурилмаларнинг турли тизимли тиллардаги хусусиятлари борасидаги таклиф этилган материаллар ИТД-4, 4-148 рақамли «Хорижий филология магистрлари учун назарий ва амалий асосий чет (инглиз) тил бўйича яратилган ўқув-услубий ва унинг электрон ифодасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳага татбиқ этилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 23 ноябрдаги ФТА-02.11/1178-сон маълумотномаси). Натижада магистрларнинг ўқиши, таҳлил ва ифода этиш малакаларини интерактив ривожлантиришга эришилган;

тадқиқотга тортилган инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиласми предикацияли қурилмаларнинг синтактик, семантик ва когнитив хусусиятларига бағищланган таҳлилий фикрлари ва назарий хуносаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган «Бедорлик» туркум радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2017 йил 30 ноябрдаги О'з/x-1-121-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчиларни инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиласми предикацияли қурилмаларнинг ясалиши, икки тилдаги бундай қурилмаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ўtkазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўrsatилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Предикативлик тушунчасининг ҳозирги замон тилшунослигидаги талқини**» деб номланиб, унда предикат, предикативлик, кесимлик қаби тушунчаларнинг турлича талқинлари таҳлил қилинган.

Анъанавий грамматикада предикативлик термини мутахассислар томонидан ҳар хил талқин қилиниб, турли ҳодисаларни номлашда кўлланилади. Одатда, предикативликни гапнинг энг асосий хусусияти ёки унсури деб аташади. «Предикативлик» терминини «кесимлик» маъносида кўллаш «гап мазмунининг борлиққа муносабати» деб талқин қилиниши мумкин. Бироқ, бизнингча, ушбу талқин ҳам бироз изоҳталаб, чунки воқеликка муносабат маълум бир гапнинг эмас, балки бутун бир нутқий фаолиятнинг хусусиятидир.

Шунга қарамай, предикативликни гапнинг асосини ташкил этувчи унсур деб аташнинг ўзига хос қулайликлари ҳам мавжуд⁵. Айрим тилшунослар предикативликни гапда предикат (кесимнинг) борлиги билан ҳам изоҳлашади. Яна предикативликни кесимнинг мавжудлиги ёки унинг у ёки

⁵ Бу борада каранг: Chomsky N. Syntactic Structures (Second edition). – Berlin - New York: Mouton de Gruyter, 2002. – 118 р; Литвин Ф.А. Заметки о понятии и термине «предикативность» // Предикативность и полипредикативность. – Челябинск: Изд-во ЧГПИ, 1987. – 246 с; Гак В.Г. К проблеме соотношения между структурой высказывания и структурой ситуации // Психологические и психолингвистические проблемы владения и овладения языком. – М.: Высшая школа, 1989. – 284 с; Пупынин Ю.А. Безличный предикат и субъектно-объектные отношения в английском языке // Вопр. языкознания. – М.: Прогресс, 1992. – № 1. – С. 56-61; Ильенко С.Г. Персонализация как важнейшая сторона категории предикативности // Русистика: избр. тр. СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2003. – С. 19-25. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М.: Наука, 2008. – 248 с; Маматов М. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т., 1990. – 36 с; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 149 б.

бу ҳолатининг турли хил гап ёки унинг маълум бир бўлаги, деб ҳам изоҳланади. Предикат кесим тушунчасидан кенгроқ бўлиб, у субъект термини каби фақатгина тилшунослик фанида эмас, балки фалсафа ва мантиқ фанларида ҳам асосий тушунчалардан ҳисобланади. Бироқ предикат ва кесимни бир хил ҳодиса деб тушунувчиларда «мантиқий» ва «грамматик» предикатни тушунишда муаммо бўлмайди⁶. Шундай қилиб, «предикативлик» деб – гапнинг мавжудлиги («гаплик»), предикатнинг мавжудлиги (ҳукм), кесимнинг мавжудлиги ва ҳоказо ҳодисалар тушунилади.

Кесим грамматик предикативликни ифода этишнинг асосий воситаси бўлиб, у гап таркибида турли хил алоқаларга киришади. А.И. Смирницкийнинг кесимни предикатни билдирувчи ва предикацияни ифода этувчи сўз ёки сўз бирикмаси сифатида кўриши ноаниқдек туюлади⁷. Чунки предикат тўлиғича кесим қарамоғидаги ҳодиса бўлмасдан, балки мантиқий ифодаланган мазмундир, субъект эса предикатни аниқлайдиган, унинг воситасида ажратиладиган фикрнинг предметидир.

А.И. Смирницкийнинг «предикативлик» бу – фақатгина эга ва кесим ўртасидаги алоқадир⁸, деган фикрига қўшила олмаймиз. Гапнинг бош бўлаклари ўртасидаги предиктив алоқа бирламчидир, чунки у гапнинг структур ўзагини яратишда иштирок этувчи кесим яратиш хусусиятига эга. Кесимлик гапнинг фақатгина алоҳида бир бош бўлаги (кесим)нинг хусусияти бўлса, предикативлик иккинчи даражали бўлакларга ҳам хос бўлиши мумкин. Кесимлик ва предикативликнинг ўртасидаги фарқ уларнинг турли хил тил сатҳларига тегишли экани билан изоҳланади. Кесимлик – бу синтактик сатҳ категорияси, предикативлик эса мантиқий-грамматик категориядир. Предикативлик гап мақомини белгиловчи унсурдир, усиз тугалланган фикрни ифодалаш мумкин эмас.

Предикативликка берилган таърифда «предикативлик – сўзловчининг борлиққа бўлган муносабатини билдирувчи ва ўзида тугалланган муайян фикрни ифода этувчи ва гапни грамматик шаклланган нутқ бирлиги сифатида юзага келтирувчи грамматик категориялар бирлигидан иборат ҳодисадир» дейилади⁹. Ушбу омил гапни нутққа йўналтиради ва бирмунча тугалланган фикр категориясини муомалага киритади, ўша тугалланган фикрни тузишда, ифода этишда ва хабар қилишда гапнинг ўзи асосий унсур ҳисобланади. Ушбу ҳолат бўйича М.Я. Блох билдирган мулоҳаза ҳам

⁶ Қўйидаги муаллифлар предикат ва кесимни бир хил ҳодиса деб талқин қилишади: Jespersen O. A Modern English Grammar on Historical Principles, Part IV: Syntax. (Second edition) Third Volume, Time and Tense. – Einar Munksgaard / George Allen & Unwin Ltd., 1983. – 400 р; Акимова Г.Н. К вопросу о валентности переходных глаголов в русском языке // Теория языка. Методы его исследования и преподавания. – Л.: Высшая школа, 1981. – 323 с; Лакофф Дж. Когнитивное моделирование // Язык и интеллект. – М.: Наука, 1999. – 386 с; Маматов М.Ш. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка. Автореф. дис.... докт. филол. наук. – Т., 1990. – 36 с.

⁷ Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. Библиотека филолога. – М., 1957. – С. 115-122, 173.

⁸ Смирницкий А.И., ук. соч. – С. 48-50.

⁹ Левицкий Ю.А. От высказывания к предложению, от предложения к высказыванию. – Пермь, 1995. – С. 65.

ишионарлидир: «Воқеликка алоқадорлик маълум бир гапнинг эмас, балки бутун бир нутқнинг хусусиятидир»¹⁰.

Тилшунослик ҳамда мантиқдаги предикативлик ва предикат ҳақида сўз юритар экан, Ю.А. Пащенко қўйидагиларни таъкидлайди: «... мантиқ ва тилшунослик термини бўлган предикативлик предикат тушунчасидан кенгроқдир. Бунга сабаб эса предикативлик анъанавий грамматиканинг ўрганиш объектидан ҳам юқори турувчи экстравангвистик термин бўлиб ҳисобланишидир»¹¹. Ҳақиқатан ҳам, предикативликни изоҳлашда фақат тилшунослик нуқтаи назаридан келиб чиқишининг ўзигина етарли бўлмайди.

Юқоридаги тилшунослярнинг фикрларига таянган ҳолда, мазкур диссертацияда муҳокама қилинаётган асосий тушунчаларга қўйидаги таърифларни ишлаб чиқдик. Предикативлик – гап мазмунининг борлиқа муносабатининг ифодаси бўлиб, у гап ёки ҳукмда грамматик шахс, замон ва модаллик категориялари ёрдамида ифодаланади. Бирламчи предикацияли қурилма элементлари орасида грамматик жиҳатдан расмийлашган тўлиқ предикатив алоқа (яъни шахс ва сонда тусланган сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа) мавжуд бўлган синтактик қурилмалар, аниқроғи, гаплар (масалан: *John came*, *Шокир келди* каби)дир. Иккиламчи предикацияли қурилма (кейинги ўринларда ИПК)лар гапнинг асосий элементлари (эга ва кесим) ўртасида грамматик жиҳатдан расмийлаштирилмаган предикатив алоқа мавжуд бўлган синтактик қурилмалар (масалан, *I saw John coming; Шокирнинг келгани ҳаммани ҳайрон қолдирди* каби) ҳисобланади.

Содда гап семантик структурасини мураккаблаштирувчи предикатив қурилмалардаги ўзига хос предикация турли тилшунослар томонидан турлича номланади. Масалан, «иккинчи даражали предикация», «ярим предикативлик»¹², «қўшимча предикация»¹³, «боғли предикация»¹⁴, «иккиламчи предикация»¹⁵ ва ҳоказо. Биз Х. Суит, Н.Д. Арутюнова ва М. Маматовларнинг фикрига қўшилган ҳолда бундай предикацияни иккиламчи предикация деб номлашни маъқул кўрамиз.

Иккиламчи предикацияли қурилмалар гарчи алоҳида бир пропозицияни ифодаласа-да, синтактик жиҳатдан мустақил бўлмайди. Биз М.Маматовнинг иккиламчи предикацияли қурилмалар алоҳида ҳолда гап ташкил қила

¹⁰ Блох М.Я. Теоретическая грамматика английского языка. 5-ое изд. – М.: Высшая школа, 2007. – С. 132.

¹¹ Пащенко Ю. А. Предикативность и предикат в лингвистике и логике. Вестник ТГПИ. – № 2. Гуманитарные науки. – Таганрог: Изд-во ТГПИ им. А.П. Чехова, 2006. – С. 72.

¹² Абдурахманов Г. Синтаксис осложнённого предложения. – В сб.: Структура и история тюркских языков. – М.: Наука, 1981. – С. 137.

¹³ Махмудов Н. Предикация ва полупредикация. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1982, 2-сон. – Б. 18.

¹⁴ Юлдашев А.Н. Соотношение деепричастных и личных форм глагола в тюркских языках. – М.: Наука, 1977. – С. 250.

¹⁵ Sweet H. A New English Grammar (5-th edition). – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – 486 pp; Арутюнова Н. Д. Вариации на тему предложения. – В сб.: Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. – М.: Наука, 1989. – С. 41; Маматов М.Ш. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т., 1990. – 41 с.

олмаслиги ҳақидаги фикрига¹⁶ қўшиламиз; ҳақиқатан ҳам, бундай курилмалар гап сифатида тўлиқ шаклланмаган бўлади.

Предикативлик когнитив жиҳатдан борлиқдаги ҳар хил нарса, воқеа-ходиса ўртасидаги турли характердаги муносабатларни лингвистик белгилар ёрдамида инсон онгига акс эттириш, ўша нарса, воқеа-ходисаларнинг хоссалари ҳақида тугал маълумотни шакллантириш ва уни вербализация қилиш ёрдамида бошқа инсонларга етказишдек мураккаб вазифани бажаради. Шу билан биргаликда, таъкидлаш лозим-ки, «нутқ индивид – шахс маҳсули бўлса, тил бир бутун коллектив тажрибасини жамлайди»¹⁷.

Хукмнинг предикативлиги ва унинг тилда вербализацияси (айрим манбаларда бу тушунча грамматик жиҳатдан расмийлаштирилиш деб қабул қилинган)нинг когнитив асоси ҳар доим ҳам тилшунослар эътиборидаги масалалардан бири бўлиб келган. Бунга сабаб эса тилнинг асосий, яъни коммуникатив функцияси айнан предикативлик орқали воқеланишидир. Ҳозирги вақтда қўплаб тилларда кузатиладиган тил бирликлари тежамкорлиги анъанаси доирасида тилшунослар хукмнинг информацион жиҳатдан бойитилишига, яъни кам куч сарфлаб, қўпроқ ахборот етказилишига ҳаракат қилмоқдалар. Бу нарсанинг исботи хукмнинг ифода бирликлари сирасига кирувчи предикативликнинг қўшимча воситалари ва уни ифодаловчи тил унсурларидан бири бўлмиш ИПҚларнинг турлича бўлишига интилишда кўринади. ИПҚлар орқали гапда ахборот тўлиқ ифодаланиши таъминланади. Бу қўшимча предикатив бирликлар синтактик жиҳатдан соддалашиши мумкин, лекин бу ҳол ҳар доим ҳам хукмни ифодаловчи бирликлар ҳажмини ошириш эвазига юз бермайди. Шундай бўлса-да, улар гапнинг оддий синтактик структурасини информацион жиҳатдан бирмунча бойитади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Иккиламчи предикацияли қурилма (ИПҚ)ларни ўрганишда фикр ва концепциялар эволюцияси»** деб номланган. Мазкур бобда предикат, субъект ва иккиламчи предикацияли қурилмаларни таҳлил қилишга бўлган фалсафий, мантикий ва когнитив ёндашувлар тадқиқ қилинган.

Хукм – фикр ифодаланишининг мантикий шаклларидандир. Тасдиқ ва инкор ҳар бир хукмнинг характерли белгисидир. Тушунчанинг хукмдан асосий фарқи шунда-ки, унда хукмга мос бўлган тасдиқ ва инкор ҳолатлари йўқ¹⁸. Ҳар бир хукм уч асосий элементдан ташкил топади. Биринчи элемент – субъект, иккинчи элемент – предикат ва учинчи элемент – боғловчи, деб айтилади¹⁹.

Ҳар қандай фанда янги тушунча ва тамойиллар пайдо бўлса, уларни билдирувчи янги терминлар яратилади ва муомалага киритилади. Фанда

¹⁶ Маматов М. Вторичный предикат в структуре простого предложения узбекского языка. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т., 1990. – С. 37.

¹⁷ Умархўжаев М. Э. Умумий тилшунослик. – Андижон: Жаҳон-интер-принт, 2010. – Б. 42.

¹⁸ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 235.

¹⁹ Ўша асар. – Б. 235.

мавжуд бўлган эски терминлар янги тушунча ва тамойилларнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Янги пайдо бўлган терминлар эса аввалдан мавжуд бўлганлари билан бир қаторда уларга юклатилган маъноларни ҳам ифодалай бошлади. Ана шундай янги терминлардан бири – «воқеа» («event») когнитив категориясидир.

Категориялаштириш ҳақида сўз борар экан, мазкур жараён инсон ҳаётий фаолиятининг асосида ётишини таъкидлаш мумкин. Бунга сабаб эса, ҳар бир инсон бирор-бир янги предметни кўриш, воқеа ёки ҳодисани кузатиш жараёнида беихтиёр ана шу янги обьектларни ўзига маълумлари билан таққослади, уларни бир гурӯхга оид бўлиши мумкинлигига эътибор қаратади.

Тилшуносликдаги лексик категоризация масалаларини тадқиқ қилган М.Расулованинг тилдаги категориялар ҳақидаги қўйидаги фикрига қўшилиш мумкин: «... тилларга хос бўлган умумий ва муҳим хусусиятларни англатувчи грамматик категориялар тиллар ўртасидаги фарқларни акс эттира олмайди, зеро турли тилларда борлик турлича категоризация қилинади. Шу сабаб замонавий тилшуносликда типологик таҳлил борлик ҳақида маълумот берувчи турли семантик категориялар, лексик ва грамматик маънолар ёрдамида амалга оширилиши лозим»²⁰.

Категориялаштириш ҳақида Ш.Сафаровнинг қўйидаги фикри эътиборга моликдир: «Когнитив тилшуносликнинг ... эришган асосий ютуқларидан бири инсоннинг билиш фаолияти натижасида хотирада ҳосил бўладиган олдинги тажрибанинг «из»лари, яъни категориал тушунча ҳамда турли кўринишдаги юқори даражадаги таркибли тузилмаларнинг мантиқий ва лисоний тизимлари ҳақидаги маълумотлар мажмуасининг тўпланишидир. Бу икки тизим ўртасидаги алоқанинг узвийлиги категориялаштириш ҳодисасида яққол ўз аксини топади»²¹.

Умуман олганда, категориялар ҳақида фикр юритар эканмиз, бизнинг тафаккуримизда қўйидаги саволлар пайдо бўлиши табиий:

- категориялар қаердан пайдо бўлади ва қандай тузилган?
- улар борликда мавжудми, инсон онги уларни акс эттирадими ёки улар инсон томонидан дунёни англаш жараёнининг натижаси ҳисобланадими?

Т.Г. Скребцованинг фикрига кўра, категориялар инсон томонидан оламни идрок этиш жараёнининг натижаси ҳисобланади²². Бизнингча, бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки агар биз «категориялар борликда мавжуд ва инсон онги уларни акс эттиради», деб таъкидласак, у ҳолда фақат инсонлар онгидагина мавжуд бўлган мавхум категориялар (*дўстлик, севги, нафрат* каби)ни изоҳлашимиз мураккаб кечарди.

Когнитолог олимларнинг қайд этишларича, ҳозирги кунда фанда категориялар ҳақидаги назарияларнинг икки муқобил тури мавжуд: улардан

²⁰ Расурова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2005. – С. 28.

²¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санѓзор, 2006. – Б. 53.

²² Скребцова Т.Г. Когнитивная лингвистика (Курс лекций). – С.Петербург: Филологический факультет СПбГУ, 2011. – С. 84.

бири – категориялар ҳақидаги анъанавий қарааш бўлиб, унинг пайдо бўлиш тарихи Аристотелга бориб тақалади; иккинчиси эса когнитив (айрим манбаларда прототипик) бўлиб, ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган²³. Категориялар ҳақидаги назариянинг иккинчиси Э.Рошнинг тадқиқотлари билан боғлиқдир. Бу икки назарияларнинг устунликлари ҳақида сўз боргандা, когнитологлар анъанавий категорияларнинг математика, мантиқ, табиий фанлар учун муҳимлигини таъкидлашади²⁴. Инсон томонидан оламни идрок этиш жараёнида пайдо бўлувчи категорияларни таҳлил қилишда эса когнитив ёки прототипик категорияларнинг устунлиги таъкидланади.

Э.Рош, У.Лабов каби олимларнинг ўтказган ўнлаб тажрибалари натижасида фанда когнитив категориялар ҳақидаги назариялар ва ана шу турдаги категориялар юзага кела бошлади. Бундай категориялар, одатда, айнан бир категорияга мансуб тушунчаларнинг инсонлар тасаввуридаги объектлар прототипига яқин ёки узоқлигига асосланади²⁵.

Ана шундай категориялардан бири бўлмиш когнитив тилшуносликда изланиш обьекти сифатида қабул қилинган «воқеа» («event») термини когнитив грамматикага XX аср охири ва XXI аср бошларида Т.Парсонс, Л.Талми, Р.Джакендофф, Л.А. Фурс ва бошқалар томонидан олиб кирилди ва кенг қўлланила бошланди²⁶.

Тадқиқотимизда «event» термини ўзбек тилида «воқеа» тарзида қабул қилинди. Воқеа иш-ҳаракат, ҳолат ёки жараёндан каттароқ тушунчани билдиради, чунки бир воқеа ўз ичига бир неча иш-ҳаракатни бирлаштириши мумкин. Бундан ташқари «суб-воқеа» («sub-event») тушунчаси борки, иш-ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан бу атамани қўллай олмаймиз, «суб-иш-ҳаракат» («sub-action») ва «суб-ҳолат» («sub-state») деб бўлмайди. Лекин умуман олганда, иш-ҳаракат, ҳолатлар «воқеа»нинг турлари, тарзлари сифатида суб-воқеа бўлиши мумкин.

«Воқеа» категориясини ўрганиш, таҳлил қилиш ва базавий категория сифатида қабул қилишимизнинг боиси шуки, бирламчи ҳамда иккиламчи предикацияли курилмаларнинг бир-биридан фарқи айнан ўша воқеа категориясининг воқеланиш усул ва воситаларидағи фарқланиши билан изоҳланади. Бу эса «воқеа» категориясини чуқурроқ, кенг кўламли, атрофлича, бир неча тилларда қиёслаб ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Куйида инглиз тилидаги ИПҚларнинг воқеа структурасини таҳлил қиласиз.

²³ Скребцова Т.Г. Когнитивная лингвистика (Курс лекций). – С.Петербург: Филологический факультет СПБГУ, 2011. – С. 84.

²⁴ Ungerer F., Schmid H.J. An Introduction to Cognitive Linguistics. – London: Longman, 1996. – P. 40.

²⁵ Бу борада қаранг: Rosch E. Principles of categorization // E. Rosch, B.B. Lloyd (eds.). Cognition and Categorization. – Hillsdale, NJ: Lawrence Erlbaum Publishers, 1978. – 27-48 p; Labov W. Sociolinguistic Patterns. – Philadelphia: University of Pennsylvania Press, 1998. – 362 p.

²⁶ Бу борада қаранг: Terence Parsons. Events in the Semantics of English: A Study in the Sub-atomic Semantics. – Cambridge, Mass.: MIT Press, 1990. – 430 p; Jackendoff Ray. Foundations of Language: Brain, Meaning, Grammar, Evolution. – Oxford: Oxford University Press, 2002. – 477 p; Фурс, Л.А. Когнитивные аспекты синтаксиса английского простого предложения: Учебное пособие. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2005. – 149 с.

John was said to die without a struggle. → It is said that at the reading of the will his children were furious (S.Crane, 2004: 76).

Бу каби ҳолатларда адвербиал (равишли) модификация гап мазмунини билдиришда муҳим рол ўйнайди. Бу гапларда бирламчи, асосий воқеа – *John died*. Суб-воқеалар → *Children were furious; They read the will*.

Кўйида «воқеа» когнитив категориясининг асосий тушунча ва тамойиллари асосида ўзбек тилидаги ИПҚ билан мураккаблашган содда гапларни таҳлил қиласиз.

Одамлар, ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, ҳўқизни қайси томонга олиб кетгани тўғрисида баҳслаша-баҳслаша тарқалди (А.Қаҳҳор, 1989: 91).

Бу гапда биз иккита ИПҚни учратамиз:

- 1) *ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани;*
- 2) *ҳўқизни қайси томонга олиб кетгани.*

Асосий воқеа эса «*Одамлар тарқалди*». Бирламчи предикация ўз ҳаракат модификаторига эга, яъни «баҳслаша-баҳслаша» модификатори одамларнинг қай тарзда тарқалганликлари ҳакида маълумот беради.

ИПҚлар асосий воқеанинг моҳиятини очишга хизмат қиласиган суб-воқеаларни нутқда воқелантиришга хизмат қиласи. Биринчи суб-воқеа иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти ва қуроли ҳакида маълумот берса, иккинчи суб-воқеа эса иш-ҳаракат (яъни ўғрилик воқеасининг) йўналишини модификация қилишга хизмат қиласиган.

Инглиз тилидаги Subjective Participial Construction ва Subjective Infinitive Construction (сифатдош иштирок этган субъектив қурилма ва феълнинг шахсиз шакли иштирок этган субъектив қурилма) табиатан Objective Participial Construction (тўлдирувчи вазифасидаги сифатдошли қурилма)дан фарқ қиласи ва улар комплементация вазифасини бажармайди ва мақсад энди топикализация бўлади. Бу когнитив функцияning асосий мақсади гапдаги у ёки бу хукмни асосий мавзуй хукмга айлантириш, унинг ахборий аҳамиятини ошириш бўлади. Мисоллар ёрдамида изоҳлайдиган бўлсак, қуидагилар маълум бўлади:

Mr. Bob Sawyer was heard to laugh heartily (A.Christie, 1996: 135).

Мистер Боб Сойернинг мириқиб қулгани эшиштилди (мисолларнинг таржималари муаллифники – Х.С.).

Инглиз ва ўзбек тилларида гапнинг синтактик структураси мос келмайди. Инглиз тилида гапнинг эгаси – *Mr. Bob Sawyer*, кесими – *was heard*. Ўзбек тилида эса гапнинг эгаси – *кулгани*, кесими – *эшиштилди*. Кесим ҳар икки тилда мос келди, аммо гапдаги эгалар мос келмади. Бунинг сабаби шундаки, инглиз тилида гап таркибида ИПҚ бор, ўзбек тилидаги гапда эса оддий атрибутив фраза бор, холос. Инглиз тили гап қурилиши бўйича диққат марказда шахс – *Mr. Sawyer* турса, ўзбек тилида гап мазмунида эса ҳодиса – *кулгу* муҳим аҳамият касб этган. Бу ҳолатдан қуидагича хулоса қилиш мумкин.

1. Инглизлар учун энг муҳими – инсон.
2. Ўзбеклар учун энг муҳими – инсон фаолияти.

Бу этнолингвомаданий ҳукмларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини кўриб чиқамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлмаса-да, инглизлар амалда шу тамойилга риоя қиласиз, деб ўйлашади. Натижада барча одам тенг, шоҳ ҳам, гадо ҳам, жиноятчи ҳам, қурбон ҳам деб ўйлайдилар ва шунинг натижаси ўлароқ баъзида қурбон қолиб, жиноятчининг ҳақ-ҳукуқи ҳақида кўпроқ ўйлаб, уни ҳимоя қиласидилар. Бунинг қай даражада тўғрилигига баҳо бериш одамлар эътиборига, ҳукмига ҳавола.

Ўзбеклар диққат марказида эса инсоннинг ўзи эмас, унинг хатти-харакати, илми-амали, қиласидиган ишлари ва ундан қоладиган нарса, яхшилик ёки ёмонлик, шу кабилар бўлади. Бу этнолингвомаданий ҳусусиятлар минг йиллар давомида шаклланган ва ривожланган белгилар бўлиб, у бир неча йилда ўзгариб қолмайди. Ҳатто глобализация жараёни ҳам уни ўзгартириш учун анча уриниши керак.

Диссертациянинг учинчи боби **«Инглиз ва ўзбек тилларидағи ИПҚларнинг структурал-семантиқ ва функционал ҳусусиятлари»** деб номланиб, унда инглиз ва ўзбек тилларидағи ИПҚларнинг синтактик ва функционал-семантиқ ҳусусиятлари чоғиштирма планда таҳлил қилинган.

ИПҚлар иштирок этган гаплар таркибида иккита субъект-предикат гуруҳлари мавжуд бўлади. Бу иккала гуруҳлардан бири грамматик жиҳатдан тўлиқ расмийлаштирилган бўлса, иккинчisi эса феълнинг шахссиз шакллари, яъни сифатдош, инфинитив (ўзбек тилида феълнинг ноаниқ шакли) ва герундий (ўзбек тилида харакат номи) орқали ифодаланган кирилма ҳисобланади.

Хозирда барча тилларда кузатилаётган тил бирликларини тежашга бўлган харакат натижасида ҳукмнинг ахборот етказиш жиҳатдан бой бўлишига эътибор қаратилмоқда. Айнан мана шу жараёнда ҳукмнинг ифода бирликлари қаторига предикативликни ифода этувчи қўшимча бирликлар киритилмоқда ва бунинг натижасида ҳукмнинг ифода усуслари ҳар хил тус олмоқда.

